O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KITOB PALATASI
INV. №




# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2008-yil, 4-aprel • № 14 (3946)


9 апрел — Соҳибқирон Амир Темур туғилган кун

**Муҳаммад АЛИ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати**

## БУНЁДКОРНИНГ ТОЛЕИ

**Соҳибқирон ҳар ердаким, иморатқа қобил ер кўрса эрди, ул ерда, албатта, бир иморат солур эрди.**

***Шарафиддин Али ЯЗДИЙ***

Соҳибқирон Амир Темур таваллудига олти юз етмиш икки йил тўлмоқда. Орадан шунча йиллар ўтишига қарамай улуғ бобомиз даврига, шахсига, ҳаёти ва фаолиятига бўлган қизиқиш, нафақат бизда, балки бутун жаҳонда тобора ортиб бораётганини кўриб ғурурланасан киши. Айтиш мумкинки, насли-насаби-ю миллатидан қатъий назар, Ер юзида Соҳибқирон тақдирига бефарқ қарайдиган одам кам... Бу улуғ зот фаолиятининг инсониятни қойил қолдириб келаётган жиҳатларидан бири, Буюк Шахслигини яққол кўрсатиб турадиган фазилати, шубҳасиз, унинг бунёдкорликка бўлган меҳри ва шижоатидир, мухтасар айтганда, том маънодаги бунёдкорлигидир. Дарвоқе, Амир Темурнинг ибратли фазилатларидан бири — у ҳар ишгаки киришса қаттиқ киришар эди. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, "Ҳазрат Соҳибқироннинг бийик ҳиммати — ҳар ишни охиригача еткурмагунча ўлтурмас эрди...".

* * *

Ҳали оддий амирлардан бири мақомида, қайсар ва иззатталаб амирлар бошини гоҳ қовуштиришга эришиб, гоҳ қовуштира олмай Туркистон чўлларида от чоптириб юрган паллалар... Соҳибқирон умрида биринчи ва охирги марта бой берган маъшум "лой жанги"дан (1365 йил баҳори) кейин ҳам Амир Ҳусайнга ўхшаб жонимни сақлай деб, юртни ташлаб кетмади, балки 1365 — 1366-йиллар қишида — Соҳибқирон вақтни бекор ўтказишни ёқтирмасди — Қарши қалъасини қуришга киришди ва поёнига етказди. Темурбек бу пайтда йигирма тўққиз ёшда эди. Унинг бу ҳаракатлари катта мақсад йўлида зинҳор иккиланиб ўлтирмаганини, ёш амирнинг ўшандаёқ кўнглидан улуғ умидлар жой олганини, узоқ мақсадларни кўзлаганини, гарчи ўша пайт оддий бир амир бўлган эса-да, ўзини бутун мамлакат учун масъул сезганини кўрсатади.

Маълумки, Самарқанд мустаҳкам деворлар билан ўралмаган эди. Шаҳар салтанат маркази қилиб белгилангандан кейин, Амир Темур унга пойтахт кўрку салобатини бериш, обод масканга айлантириш йўлида катта ҳаракат бошлади. Бу ҳаракат Соҳибқироннинг бутун умри давомида тўхтагани йўқ, десак муболаға бўлмас. Даставвал кўчаларораста қилинди, Кўксарой бунёд этилди. "Самарқанд аркида Темурбек улуғ бир кўшк солибдур, тўрт ошёнлиқ, — деб ёзади Бобур Мирзо. — Кўксаройга мавсум ва машҳур ва олий иморатдур". Милодий 1371 йилда олти дарвоза тикланди, шаҳарсозлик ривожланиб кетди, шаҳар мустаҳкам қаъла деворлари билан ўраб олинди. Соҳибқирон Самарқандни дунёнинг энг олди шаҳарига айлантирмоқчи эди, бунга эришди ҳам. Ҳатто буни таъкидлаш учун, шаҳар атрофида Дамашқ, Бағдод, Миср, Шероз, Султония каби машҳур шаҳарлар номлари билан аталган, боғ-роғларга бурканган катта-катта қишлоқлар барпо қилдирди.

* * *

Самарқанди фирдавсмонанд атрофида бунёд этилган Боғи Нақши Жаҳон, Боғи Чинор, Боғи Биҳишт, Боғи Дилкушо, Боғи Баланд ва бошқа боғлар пойтахт кўркига кўрк бўлиб қўшилди. Уларнинг ҳар бирида муҳташам сарой, кўшк ва нақшинкор айвонлар қурилди. Бу боғлар ҳақида испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ўз кундаликларида завқ-шавқ билан қалам тебратган. Чунончи, испан элчиси Соҳибқироннинг суюкли хотини Туман оқага атаб бунёд этилган Боғи Биҳишт ҳақида шундай ёзганди: "Бу боғнинг ғиштин ва нақшин, ложувард ва олтин билан безатилган баланд ва гўзал дарвозаси бор. Боғ ниҳоятда катта. Унда мевали ва серсоя дарахтлар кўп. Ёғоч панжаралар билан иҳоталанган шинам хиёбон ва йўлаклардан одамлар ўтиб туради...".

Боғи Нав ҳақида эса қуйидагиларни ўқиймиз: "Боғнинг тўрт тарафи баланд деворлар билан ўралган, ҳар бир бурчагида ғуласифат бурж-минора бўй чўзган. Боғ ўртасида — олдида сарҳовузи бор катта чортоқ уй...".

Умуман, боғ яратиш, барпо қилишни Амир Темур жуда яхши кўрарди, таъбир жоиз бўлса, боғлар яратиш унинг севган машғулотига айланганди, яшнаган боғни кўриб баҳри дили очиларди.

**Давоми иккинчи бетда.**



## "НИШОНА" НИМАДАН НИШОНА?

***Ёшлар учун мўлжалланган янги "Келажак овози" газетасининг нишона сони билан танишиб чиқдим. Янги нашрни ўйланган изга солиш, рақобатга бардош бера оладиган даражага келтириш учун маълум вақт керак бўлади. Аммо "Келажак овози" шу кўринишда ҳам газетхон эътиборини торта олади, деб бемалол айта оламан. Унинг рангли ички саҳифалари, бошқа бозор нашрларидан фарқли ўлароқ, дид билан безатилган, мақолаларда ифода усули бир мунча эркин, мавзулари ранг-баранг. Таҳририят нишона сонини тайёрлашда бугунги ёшларнинг фикр олами, дунёқараши, талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққанлиги кўриниб турибди. Илмий тилда айтганда, маҳсулот чиқаришдан аввал, маълум мониторинг ишлари ҳам амалга оширилгани аниқ.***

Таҳририят мендан газетанинг дастлабки сонини ўқиб, фикр-мулоҳаза билдиришимни сўради. Бу дунёда бировга маслаҳат беришдан ҳам осон иш йўқ, аммо газетачиликнинг йўриғи бошқа. Гап шундаки, журналистика ижодий жараён сифатида давр, замон эврилишларига ҳамоҳанг равишда тўхтовсиз ўзгариб, такомиллашиб боради, оммавий нашрларнинг мақсад ва вазифалари жамият ўз олдига қўйган устувор йўналишлардан, мамлакатимиз мисолида айтадиган бўлсак, миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойилларидан келиб чиқади. Бинобарин, ҳар қандай тажрибадан ҳам тугал йўл-йўриқ келиб чиқмайди. Шунга қарамай, янги газетани ўқигач, баъзи мулоҳазалар ҳам пайдо бўлди.

*Муҳаррир минбари*

Ёшлар миллатнинг эртаси, истиқболи, жамият тараққиётининг етакчи кучи сифатида эътироф этилаётган, шундай бўлиши учун барча шарт-шароитлар яратилаётган, бу йўлда ҳеч нарса аялмаётган бугунги кунда ортимиздан келаётган янги авлодга мўлжалланган газета ёки журнал қандай бўлиши керак? У ўз саҳифаларида қандай қадриятларни тарғиб қилади, ўқувчиларга кимни ва нимани ибрат қилиб кўрсатади, уларни кимдан ва нимадан ўрнак олишга даъват этади? Янги газета, борди-ю у ёшларнинг ишончли ҳамроҳига, дилкаш маслаҳатгўйига айлана олса, бундай мартабага эришиш учун изланса, меҳнат қилса, фаолият йўналишини тўғри белгиласа, янгича шароитда ўсиб-улғаяётган авлоднинг илмий тафаккури, маънавий баркамоллиги ривожига катта ҳисса қўшиши, "Ўзбекистон маданияти ва санъати" форуми ва унинг жамғармаси, "Келажак овози" ташаббус маркази фаолиятини ёритишда асосий минбарга айланиши мумкин.

Бунинг учун нима қилиш керак? Фикримча, "Келажак овози" ўз саҳифаларини ёшлар ҳаётига оид шов-шувли, енгил-елпи ахборотлар, Ғарбдан ошкора-пинҳона оқиб келаётган "оммавий маданият" намуналари билан тўлдираётган бозорбоп нашрлардан мутлақо йироқ бўлиши, улардан сўзининг салмоғи, мазмуни ва моҳиятга кўра фарқланиши, асосий эътиборини ёшлар ўртасида фикр ривожига, соғлом баҳс-мунозарага, илм-фан, маданият ва санъатга доир янги лойиҳалар, ихтиролар тарғиботига қаратиши лозим. Газета саҳифаларида бу борада жиддий муваффақиятларга эришаётган, илмий изланишлари нафақат ўзимизда, хорижий мамлакатларда ҳам эътироф этилаётган ёш олимлар, мутахассислар, ноёб қобилият эгалари ҳақида ҳикоялар муттасил бериб борилса тўғри бўлади.

Ҳаёт тўхтовсиз равишда ўзгариб бормоқда. Биз, катталар, ҳамиша фарзандларимизни ўз ортимиздан эргаштиришга ҳаракат қиламиз. Тўғри йўл қолиб айро сўқмоқларга бурилиб кетишмасин, деймиз. Бу тўғри, албатта. Аммо, бугун ён-атрофимизда шундай ёшлар ҳам борки, уларга ҳавас қилиш ва, ҳатто, ортларидан эргашиш ҳам мумкин. Газета ана шундай янги лидерларни излаб топиши, кашф этиши, миллат тараққиётига хизмат қилувчи режаларига қанот бахш этиши, бундайларни бошқа тенгдошларига таништириши лозим.

Таассуфки, айрим ёшлар бугунги кун деганда тамомила янги бир ҳолатни тасаввур этиб, кечаги нарсаларнинг барчасидан воз кечишни, ҳаётларига миллий анъаналардан узоқ турмуш тарзини сингдиришга, борди-ю бир муддат хорижда ўқиб келишган бўлса, ҳамма нарсани, ҳатто ота-онага, қариндош-уруғга, дўст-қадрдонга муносабатни ҳам "янгича" ўрнатишга чоғланишаётгани сир эмас. Шундай сингилчаларимиздан бири турмушга чиқаётганида вилоятларимиздан бирида яшайдиган, миллий либос кийган ота-онаси, яқин қариндошларини муҳташам ресторандаги дабдабали базмга таклиф этишга рози бўлмаганига ўзим гувоҳман. Бошқа бир тўйда замонавийлик белгиси сифатида келин қайнотаси, куёв қайнонаси билан валсга тушди. Ёшлар иштирокидаги суҳбатлардан бирида хорижда ўқиб, магистрлик дипломини олиб келган бир йигит: "Биз тамомила янгича яшаймиз, ҳамма нарсани янгича шакллантирамиз", дегандай гап қилди.

Замонавий маданият борасида бизда ҳеч қандай чеклов йўқ, юртимизда истиқомат қиладиган барча миллат ва элат вакиллари ўз маданиятлари, урф-одатларини сақлаш, ривожлантиришлари учун қонуний асосларнинг барчаси мавжуд. Аммо ҳар қандай мукаммал қонунларда ҳам ифодалаб бўлмайдиган шундай умум қадриятлар борки, улардан асло воз кечиб бўлмайди. "Келажак овози", бошқа нашрлар, жумладан ўзимиз ҳам бунга алоҳида эътибор бериб, дастлаб арзимас бўлиб кўринадиган катта-кичик иллатларнинг кейинчалик урчиб кетишига йўл қўймаслик ҳаракатида бўлишимиз даркор.

## ЁШЛАР ЙИЛИ ҚУВОНЧЛАРИ

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" меҳмонхонасида "Баркамол ёшларни тарбиялашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни" мавзусида форум бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ходимлари, журналист талабалар иштирок этди. Форумда "Маънавий баркамол ёшларни тарбиялаш мамлакат тараққиётининг асосий омили", "Ёшларнинг маънавий юксаклигини таъминлаш масалалари" ҳамда "ОАВда ёшлар мавзусининг ёритилиши" каби маърузалар тингланиб, баҳс-мунозаралар бўлди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Камалак" болалар ташкилоти ва Фонд томонидан ёшларга ихтисослашган ва ёш журналистлар ўртасида ташкил этилган "Ўзбекистон менинг ватаним" танловининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

"Маҳалла" газетаси мухбири Наргис Бердибоева "Матбуот маликаси — 2008" танловининг ғолиби деб топилди.

Анжуманда газета ва журналлар, ахборот агентликларининг бош муҳаррирлари сўзга чиқдилар.

**Нигора АБДУРАҲМОНОВА**



## ИЗЛАНИШ ПАЛЛАСИ

### 2007 йил филмлари намойишидан кейинги ўйлар

***"Ўзбеккино" Миллий агентлиги 2007 йил якунлари бўйича ўтказган илмий-амалий конференция ёш ва тажриба жиҳатидан турли қатламга мансуб киноижодкорларнинг "Ўтов", "Севгинатор", "Забаржад", "Чавандоз", "Мурувват" каби асарлари ўзбек киносида ўзига хос изланишлар айнан миллий йўналишда олиб борилаётганини кўрсатди.***

Жумладан, "Ўтов" филмининг драматургик қурилишида сценарийнавис Ёлқин Тўйчиевнинг ўтган аср талотўпларига нисбатан ўзига хос фалсафий қарашлари акс этган.

Режиссёр Аюб Шаҳобиддинов сценарий ғоясини психологик драма мотивида экранлаштирар экан, қизиққон ёшлик билан донишманд кексалик ўртасидаги доимий курашни табиат ва инсон характери уйғунлигида акс эттиради. Бош образ — Убайдуллоҳ (актёр Нозим Тўлахўжаев) руҳиятидаги қаттиққўллик, чўрткесарлик ва баъзан шафқатсизликнинг сабаблари билвосита томошабин кўз ўнгида тадқиқ этиб борилади. Ёшлиги, ғурур ва орзулари "халқ душманининг ўғли" тамғаси остида емирилиб кетган инсон ўзини душман билган жамиятга нисбатан нафрат билан яшайди. Ўғлини ҳам "ўшалар"дан асрамоқчи, "улар" билан бахтли бўла олмаслигини исботламоқчи бўлади. Муаллифлар XX асрдаги маълум ижтимоий–сиёсий ҳодисаларнинг инсон тақдирида қолдирган асоратини кино тили билан ёритмоқчи бўлганлар.

Ҳозир "Ўтов" филми муваффақият пиллапояларидан қанчалик юқори кўтарилаётган бўлса (филм МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлариаро ўтказилган "Киношок" фестивалида "Энг яхши эркак роли учун" соврини билан тақдирланди), Ёлқин Тўйчиев ва Аюб Шаҳобиддинов ҳамкорлиги натижасида яратилган "Телба" филми шунчалик кассабоплиги билан шуҳрат қозонди. Маълумки, шоу бизнес томошабинларнинг ҳис-туйғуларини қутқуга солувчи, хаёлларини чалғитувчи бир олам. Бунда истеъмолчининг севган актёри, романтикадан иборат сюжет ҳамда ёшларнинг муаммоларидан иборат ҳақиқий ҳаётнинг айрим кўринишлари экранда ўз аксини топса бас. Рекламага урғу берилса, филм тез орада сарфланган маблағни икки-уч баравар ортиғи билан қайтариши турган гап. "Телба" филми ана шу телбавор дунёнинг одатдаги маҳсули. Қизиғи шундаки, бир йил ичида суратга олиниб, "Ўтов" ҳам, "Телба" ҳам томошабинлар эътиборига ҳавола этилди ва "Телба" беҳисоб мухлисларга эга бўлди. Лекин соф кинематографик драматургия, тасвирий ифода воситалари, нозик психологик кечинмаларнинг мураккаб экран муқобили топилган "Ўтов" билан ҳинд романтик филмларига хос жўн сюжет асосида экранлаштирилган "Телба" орасидаги кескин фарқни давлат ва хусусий студиялар буюртмаси ўртасидаги тафовут билан оқлаб бўлмайди.

**Давоми бешинчи бетда.**



## ОЛИМП САРИ ЙЎЛ

Яна бир неча ойдан кейин Пекин шаҳрида XXIX ёзги Олимпиада ўйинларига старт берилади. Бугунги кунда мамлакатимиз спорт усталари бу нуфузли беллашувда фаол иштирок этиш, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда спорт соҳасида эришилаётган ютуқларни жаҳонга намойиш этиш учун тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказмоқдалар. Айтиш жоизки, мамлакатимиз раҳбарияти ўзбекистонлик олимпиадачиларнинг Пекинда муваффақиятли иштирокларини таъминлаш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиб берди.

Бундан бир неча кун аввал Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия қўмитасида ўтказилган навбатдаги матбуот конференциясида маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларига Пекин Олимпиадасига тайёргарликнинг бориши тўғрисида маълумот берилди. Шу билан бирга, ўзбек ва хитой халқлари ўртасидаги анъанавий дўстлик, манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида "Олимп сари йўл" мавзусида махсус викторина ўтказишга қарор қилингани ҳам маълум қилинди.

Викторина саволлари 89 тадан иборат бўлиб, Хитой Халқ Республикаси ҳаётининг деярли барча қирраларини қамраб олади. Саволлар яқин кунлар ичида мамлакатимизда чоп этилаётган ўттизга яқин оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Айни чоғда, Пекин Олимпиадасини ёритиш бўйича матбуот нашрлари ўртасида танлов ҳам ўтказилади.



Викторина ва танлов ғолиблари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Ушбу сонда:

СЕВГИМ АБАДИЙ, ДЕБ АЙТГАНДИНГ ЎЗИНГ!

«ДЕБЮТ – 2008» СОВРИНДОРЛАРИ

ДЎРМОНДАГИ ҲАНГОМАЛАР

### БИЛДИРИШ

Шу йилнинг 11 апрели, соат 10.30 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Танқид ва адабиётшунослик кенгашининг 2007 йил якунларига доир анъанавий йиллик йиғилиши бўлади. Унда адабиётшунос олимлар Баҳодир Карим ва Узоқ Жўрақулов маърузалари тингланиб, муҳокама қилинади.

Муҳокамага марҳамат!

**Манзилимиз: метронинг «Халқлар дўстлиги» бекати, Ўзбекистон кўчаси, 16а-уй.**

"ҲАМКОРБАНК" ҳаммабоп ишончли банк!

"АСАКАБАНК": ишонч, унум, даромад!

"ҒАЛЛАБАНК": сиздан ҳаракат, биздан баракат!

# БОЛАЛАР АДАБИЁТИ ЗАРВАРАҚЛАРИ

***2006-2007 йилларда ўзбек болалар адабиётида иккита катта воқеа рўй берди: ўзбек болалар шеърияти ва насрининг бир асрдан ортиқроқ вақт мобайнидаги энг сара намуналарини ўзида жамлаган икки жилддан иборат "Ўзбек болалар адабиёти антологияси" (Ўзбек болалар адабиёти антологияси. I жилд: Шеърият. — Т.: "Ўқитувчи" НМИУ, 2006; Ўзбек болалар адабиёти антологияси. II жилд: Наср. — Т.: Чўлпон номидаги НМИУ, 2006) ва рус тилидаги "Про солнце жаркое рассказ, про нашу землю и про нас" (Антология узбекской детской поэзии. — Т.: "Шарқ", 2007) деб номланган ўзбек болалар шеърияти антологияси чоп этилди. Бу икки тўплам, агар шу пайтгача бор-йўғи 1980 йилда чиққан "Ўзбек совет болалар шеърияти антологияси"ни назарда тутсак, болалар адабиётимиз тарихидаги чинакам қувонарли ҳодисадир.***

*ХХ аср ўзбек адабиёти*

Ўтган чорак асрдан кўпроқ вақт мобайнида болалар адабиётимиз бир жойда тўхтаб қолгани йўқ, ўсиб-ривожланди, янги ижодкорлар билан бойиди. Бадиий адабиётнинг бадиий ва ижтимоий аҳамиятига муносабат ижобий томонга ўзгарди. Истиқлол шарофати билан миллий, маданий, адабий, тарихий қадриятларимизнинг тикланиши фикрлаш тарзимизни янгилашга сабаб бўлди. Бир пайтларда кўкка кўтарилган айрим сунъий "қадрият"ларни ҳаётнинг ўзи бир чеккага суриб қўйди ва буларнинг барчаси келажак авлоднинг маънавий камолотини шакллантиришга масъул бўлган болалар адабиётимизда ҳам ўзининг муайян ифодасини топди. Бинобарин, янги даврнинг янги китобхони маънавий оламини бойитишга хизмат қиладиган асарларга катта эҳтиёж туғилди.



Маълумки, ҳақиқий, том маънодаги бадиият намуналари барча даврлар учун бирдай хизмат этаверади. Аҳолисининг ярмидан кўпроғини ёшлар ташкил қиладиган Ўзбекистонда болалар адабиёти намуналарига эҳтиёж доим катта бўлган. Лекин бундай асарлар ҳар куни ёзилавермайди. Дарҳақиқат, икки жилдли ўзбек болалар адабиёти антологиясида бу йўналишда XX асрда ёзилган энг сара асарлар жамланган.

Юқорида қайд этилганидек, шу пайтгача болалар адабиётимизда шеърият антологияси чоп этилган, холос. Бироқ бу антология, муайян даражада, ўз хизматини ўтаб бўлгани ҳам сир эмас. Бундай тўплам муайян адабиётнинг сараланган намуналаридан тузилар экан, у тўпловчи ёхуд нашрга тайёрловчи олдига бир қанча жиддий муаммоларни ҳам қўяди. Болалар шеърияти антологиясини тузиш учун, аввало, болалар учун ёзилган кўплаб асарларни элакдан ўтказиб, саралаш керак. Бунда "юксак бадиият" деб номланадиган мезонга амал қилинади. Тўпловчи, камида, танишбилишчилик иштибоҳидан ўзини асрай олмоғи зарур. Ўзбек болалар адабиёти янги шеърият антологиясини тузган Турсунбой Адашбоев ва Абдураҳмон Акбар болалар шеъриятимизда ўз ўрнига эга, ўз ижодларига ҳам, қаламкаш биродарлари ижодига ҳам масъулият билан қарай биладиган шоирлар. Ана шу масъулият ҳисси китоб мундарижасидаёқ сезилади. Бир асрдан кўпроқ даврда болалар учун ёзилган минглаб шеърларни саралаб, ғаввос денгиз остидан дур ахтарганидай, бирма-бир назардан ўтказиш ва ҳар бир шоирнинг чинакам бадиият талабларига жавоб бера оладиган шеърларини танлаб, ажратиб олишга эришганликлари тузувчиларнинг жуда катта ва сермашаққат меҳнати самараси десак, хато бўлмаса керак. 1980 йилда нашр қилинган "Ўзбек совет болалар шеърияти" антологиясини янги антологияга қиёслайдиган бўлсак, ҳатто ҳар иккала антологияга киритилган ижод намуналарида ҳам сезиларли ўзгаришлар борлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, 1980 йилда нашр этилган антологияга ўттиз тўққиз нафар ижодкорнинг асарларидан намуналар жамланган бўлиб, мундарижа Ҳамза Ҳакимзода асарлари билан бошланиб Р.Толибов шеърлари билан якунланарди. Янги антологияга эса қирқ етти нафар шоир ижодидан намуналар киритилган, мундарижа ўзбек болалар шеъриятининг тамал тошини қўйган Абдулла Авлонийдан бошланиб, О.Тўхташев билан якунланади. Аввалги антологиядан жой олган йигирмага яқин шоир шеърлари янги антологияда қисқартирилган, ўттизга яқин ижодкор асарлари янги антологиядан биринчи марта ўрин эгаллаган. Уларнинг ўн икки нафари XX асрнинг 70 — 80-йилларидан болалар адабиётига кириб келган ижодкорлар авлоди вакиллари.

Албатта, шеърлари янги антологиядан ўрин олмаган айрим ижодкорлар хусусида тузувчилар билан баҳслашиш мумкин. Лекин бир ижодкор асарлари фақат бир антологияга (шеъриятга ёки насрга) киритилганини инобатга олсак, бу масала ҳам муайян даражада адолатли ҳал этилганига ишонч ҳосил этамиз. Тузувчилар аввалги антологияга киритилган шоирлар асарларини янги нашрга шунчаки қайта киритавермай, балки ўша шоирлар ижодидаги энг сара бадиият намуналарини танлашга эътибор беришганини алоҳида қайд этиш жоиз. Шунингдек, умидли ёш ижодкорлар келажагига ишонч билдириб, антологияга шеърлари киритилган ўнлаб ёш шоирнинг деярли барчаси ушбу тўпламдан ҳақли равишда ўрин олган дейиш мумкин. Бундан ташқари китобда республикамизда яшаб, ижод қилаётган қозоқ, қорақалпоқ ва рус адибларининг асарлари ҳам келтирилган.



Даврлар ўтиши билан болалар адабиёти ўсиб-улғайиб, бадиият пиллапояларидан юксалгани сингари, ёш китобхонларнинг савияси ҳам кун сайин такомил топа боради. Бинобарин, талаблари кундан кунга ўсиб бораётган ёш китобхонга ўзбек болалар шеъриятининг ушбу янги антологияси манзур бўлишига ишонамиз.

Ўзбек болалар адабиёти тарихида илк бора нашр қилинган "Ўзбек болалар адабиёти насри антологияси"ни болалар насримизнинг нозиктаъб тадқиқотчиси, профессор Сафо Матжон нашрга тайёрлаган. Тўпловчи сўзбошисида қайд этганидек, антологияга, асосан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзо адибларнинг энг сара асарларидан намуналар танлаб олинган. Китобдаги ўттизга яқин ёзувчи қаламига мансуб асарлар, назаримизда, ўзбек болалар насрининг бир асрдан ортиқроқ вақт мобайнидаги тараққиёт тамойиллари ҳақида муайян таассурот бера олади. Шунингдек, ҳикоя ва қиссалари ўтган асрнинг 50 — 60-йилларида болалар адабиётида ўз ўрнига эга бўлган, бироқ кейинги пайтда номлари бир оз унутилган Ҳабиб Пўлатов ва Ғани Жаҳонгиров сингари адиблар асарларидан намуналар антологияга киритилгани тузувчининг ўз ишига илмий, холис ёндошганидан далолат беради.



Ўттиз икки нафар ўзбек болалар шоири асарларидан таркиб топган ва "Про солнце жаркое рассказ, про нашу землю и про нас" деб номланган рус тилидаги ўзбек болалар антологияси ҳам турли-туман мавзудаги бири-биридан қизиқарли шеърлар билан ёш китобхонлар эътиборини тортиши шубҳасиз. Тузувчилар Т.Адашбоев ва Э.Маликов ҳамда масъул муҳаррир Ё.Хўжаев болалар шеъриятининг шу пайтгача рус тилига ўгирилган намуналарини бирма-бир саралаб, энг нозиктаъб китобхонлар талабларига ҳам жавоб бера оладиганларини ажратиб олишга ҳаракат қилганлар. Жумладан, болалар шеъриятимиз отахони Қуддус Муҳаммадий шеърларининг машҳур рус шоири ва таржимони С.Маршак қаламига мансуб таржималари шу жиҳатдан эътиборга моликдир. Зеро, С.Маршак ўз ижоди билан рус болалар шеъриятини юксалтиришга қанчалик улкан ҳисса қўшган бўлса, унинг жаҳон болалар шеърияти намуналарини маҳорат билан рус тилига таржима қилиш борасидаги хизматлари ҳам шу қадар салмоқлидир.

Шунингдек, ўзбек адабиёти намуналарини рус тилига таржима қилишда катта тажрибага эга бўлган З.Туманова, Р.Моран, А.Наумов томонидан ўгирилган Шукур Саъдулла, Зафар Диёр, Қудрат Ҳикмат, Султон Жўра шеърлари ҳам ҳар қандай талабчан китобхон эътирофига сазовор бўлиши шубҳасиз.

Ушбу антологиядан жой олган асарларнинг яна бир қисми рус тилида ижод қиладиган шоирларимиз қаламига мансуб. Ю.Кушак, В.Данько, Ё.Хўжаев сингари мутаржимлар қаламига мансуб ушбу таржималарни китобхонларга манзур қиладиган асосий жиҳат таржимонларнинг миллий турмуш тарзимизни, урф-одатларимизни теран ҳис қила олишгани ва аслиятнинг бадииятига путур етказмаган ҳолда ўзбек тилидаги асарларни қайта ярата олганликларидадир.

Ушбу антология яна бир мулоҳазага чорлайди. Ўзбекистонда яшайдиган ва уни ўз она юрти деб ҳисоблайдиган русийзабон боғча тарбияланувчилари ва мактаб ўқувчилари учун тартиб берилаётган дарслик ва ўқиш китобларидан ўрин олишга лойиқ шеърлар бу китобда талайгина. Ундаги асарлар дарсликларга киритилса русийзабон ёш китобхоннинг ўзи яшайдиган юрт ва унинг одамлари ҳақидаги таассуротларини янада бойитишга, ватан ва ватандошларга меҳр-муҳаббати ортишига хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Хуллас, ҳар учала антология қамраб олинган давр, сараланган асарлар бадиияти нуқтаи назаридан ҳам, мавзулар ранг-баранглиги жиҳатидан ҳам, ўзбек болалар адабиёти шеърияти ва насрини бугунги ёш китобхонларга таништириши ва болалар адабиётимизнинг бир асрдан ортиқроқ вақт мобайнидаги қиёфасини кўрсатишга хизмат қилиши билан ҳам ёш китобхонларга муносиб туҳфа бўлди. Бу тўпламларни болалар адабиётимизнинг том маънодаги зарварақлари дейишга тўла асос бор.

**Раҳматулла БАРАКАЕВ,**
**филология фанлари номзоди**

---

## ЯНГИ АСР АДАБИЁТ ИЛМИ: ЎЗГАРИШЛАР, МУАММОЛАР

**1. Мана, XXI асрнинг ҳам 7 йили ўтди. Шу йиллар мобайнида ўзбек танқидчилари ва адабиётшунослари ҳам баҳоли қудрат ижод билан машғул бўлдилар. Бинобарин, сизнингча, янги аср адабиёт илмида қандай ўзгаришлар юз берди?**

**2. Ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослиги олдида қандай муҳим вазифалар турибди, деб ўйлайсиз?**



**Курдош ҚАҲРАМОНОВ,**
**филология фанлари номзоди, доцент**

1. Ўтган давр мобайнида, шубҳасиз, муайян ўзгаришлар бўлди: аввало, адабиётшунослик ва адабий танқидда илмий тафаккур янгилана бошлади. Бу ҳол бадиий асарга янгича ёндашувни, янгича муносабатни юзага келтирди. Натижада, адабиёт илми "муҳим ғоявий қуроли", деган ақидалар таъсиридан батамом қутулди. 70 йилдан зиёдроқ вақт мобайнида адабиётшунослик ва танқидга тушов бўлиб келган марксча-ленинча таълимот, унинг методологияси таназзулга юз тутди.

Бугунги адабиётшунослик ва адабий танқид янгича методологик тамойиллар асосида фаолият юритмоқда. Энг муҳими, илмий концепция янгиланди. Буни биргина XX аср ва истиқлол даври ўзбек адабиёти таҳлилига бағишланган қатор илмий изланишларда кўришимиз мумкин. Адабиётшунос олимлар, мунаққидлар миллий уйғониш (жадид) адабиётига шўро давридан тамоман фарқ қилувчи янгича илмий концепция асосида ёндашиб, муайян илмий ютуқларни қўлга киритишди. Бу илмий кузатишлар холислигидан ташқари, хорижлик адабиётшунослари қарашларига ҳамоҳанг эканлиги билан характерлидир. Демак, адабиётга умуминсоний қадриятлар асосида баҳо берила бошланди. Шунингдек, бу даврда ижод этган ёзувчи, шоирлар ҳаёти ва ижодига оид манбаларни ўрганишда тарихийлик ва халқчиллик тамойилларига асосланиш, биографик ёндашувга эътибор кучайди.

Янги давр адабиётшунослиги ва танқидчилигида шўро даври ўзбек адабиётини, айниқса, атоқли адиблар Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон ижодини қайта баҳолашда холисликка интилиш, умумий мулоҳазалардан воз кечиб, бевосита матн таҳлилига ўтиш, мисралар замирига сингган дард ва армонларни кашф этишга интилиш кучайиб бормоқда. Шунингдек, адабиётимизнинг улкан намояндалари ижодини турли фалсафий дунёқарашлар билан боғлиқ ҳолда талқин этишга уринишлар ҳам янгиланиш самараси сифатида эътиборга молик. Бу ижодкорлар асарлари атрофида бўлиб ўтган баҳс-мунозаралар эса адабиёт илмининг якрангликдан қутилиб, методологик плюрализмга ўта бошлаганидан далолатдир. Фикрлар хилма-хиллиги, янгича тадқиқотлар XX аср ўзбек адабиётини қайта тушуниш ва кашф этишдан ташқари, унинг мукаммал янги тарихини яратишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Адабиёт илмидаги муайян изланишларни, шубҳасиз, истиқлол даври адабиёти муаммолари ташкил этади. Бу давр адабиётига оид баҳслар, айниқса, реализм муаммоси, модернизмга доир мунозаралар, айни чоғда, экзистенциализм, абсурд, психоаналитика ва адабиётлар муносабатлари масаласининг назарий аспектда ўрганилишига эътиборнинг қаратилиши фаннинг фалсафий методологияси шаклланаётганидан далолат бераётир. Албатта, бу мураккаб жараён, бироқ мазкур йўналишдаги ҳаракатларнинг ўзи қувонарли ҳолдир.

2. Жаҳон адабиётшунослигининг илғор қарашларига таянган ҳолда адабиётнинг назарий муаммоларини ҳал этиш олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Барча адабий тур ва жанрларга хос бадиийлик категорияларининг асардаги умумий (муштарак) ва хусусий (алоҳида) жиҳатларини илмий-назарий асослаш, эстетик категорияларнинг моҳиятини очиш лозим. Бадиий асарнинг эстетик табиати, унда ижтимоийликнинг ўрни, адабиёт ва мафкура каби баҳсталаб масалаларда якдил хулосалар зарур. Бунда Шарқ ва Ғарб фалсафасининг ҳаётбахш, умуминсоний қадриятлар билан боғланган методологик тамойилларини белгилаш, бадиий асарнинг барча поэтик унсурларининг илмий-назарий асосларини кўрсатиш керак бўлади.

Бугунги кунда бадиий асар талқини масаласи ҳам долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Албатта, ҳар бир етук бадиий асар ўзи бир олам ва бу сеҳрли олам ўзига алоҳида ёндашувни тақозо этади. Айни чоғда, бадиийлик мезонларини белгиловчи умумий таҳлил тамойиллари ҳам борки, уларнинг энг долзарб принципларини аниқлаш ва шу асосда бадиий таҳлил тамойилларини илмий асосда ишлаб чиқиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

---

# "МУБАЙЙИН"НИНГ 1905 ЙИЛГИ НАШРИ

***Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг фарзандларига атаб ислом дини арконлари баёнига оид ёзилган «Мубаййин» номли китоби мазкур мавзу доирасида яратилган асарлар қаторида ўзига хос ўринга эга. Унинг ўзига хослиги, аввало, туркий тилда эканлиги ҳамда тушунтириш услубининг содда ва равонлиги билан белгиланади. Яна бир жиҳати унинг назмда битилганлигидир.***

*Тадқиқот, ахборот*

Темурийлар даврида туркий тилга бўлган эътибор ва диний қонун-қоидаларни туркийда ўқишга эҳтиёжманд кишиларнинг кўплиги боис «Мубаййин» ёзиб тугатилганиданоқ нодир манба сифатида ундан ўнлаб нусхалар кўчирилганлиги ва ўша нусхалар айни пайтда дунёнинг турли кутубхона фондларида сақланишидан илмий жамоатчилик яхши хабардор. Нашр ишлари йўлга қўйилмаган пайтлари қўлёзма нусхалар чекланган миқдорда кўчирилганлиги сабабли барчанинг ҳам талабини қондиришнинг имкони йўқ эди. Босмахоналар пайдо бўла бошлагандан кейин, XX асрнинг биринчи чорагига қадар ҳам асарни кўпроқ нусхада босиб чиқаришга уринишлар бўлган. Жумладан, XIX асрнинг сўнгги чорагида Е.Березин асарнинг учинчи қисмини нашр эттирган бўлса, А.Самойлович «Мубаййин»ни тўлиқ нашр қилдириш нияти борлигини билдиради.

Кузатувларимиз асносида «Мубаййин»нинг айтиб ўтилган қўлёзма ва нашрларидан ташқари илк тўла нашри ҳам амалга оширилганлиги маълум бўлди. Ушбу иш 1905 йили ношир Мулло Мир Махдум ибн Шоҳ Юнус Тошкандийнинг сайъ-ҳаракати билан Тошкентда О.А.Порцев типо-литографиясида бажарилган.

Китоб титул варағиданоқ ўқувчини ўзига жалб этувчи сўзлар, хусусан, мусулмон кишиси диннинг асос қоидалари нималардан иборат эканлигидан хабардор бўлиши лозимлигини уқтирувчи қуйидаги ҳадис билан бошланади:

«Ибн Умар разиаллоҳу анҳумо ривоят қиладилар:

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ислом беш нарсага бино қилинган — Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг қули ва расули, деб гувоҳлик бериш ва намоз ўқиш ва закот бериш ва умрида бир марота ба ҳаж қилиш ва рамазон ойининг рўзасини тутиш». Шундан кейин айтилган ислом дини қонун-қоидалари юзасидан билимга эга бўлишда айнан ушбу китоб қимматли манбалардан бири бўла олиши мумкинлиги мана бундай сўзлар орқали билдирилади: «Ин китоб рофеъ ул-хавос ва нофеъ ул-авом алмусаммо би «Мубаййин ул-ислом».

Гарчи муаллиф асарни китоб хотимасида:

**Чун баён эттим**
**анда шаъриёт,**
**Не ажабки, дедим**
**«Мубаййин» от, —**

дея уни «Мубаййин» деб номланганлигини билдирган бўлса-да, кўриниб турганидек, ношир «Мубаййин ул-ислом» («Ислом (дини қоидалари)ни тушунтирувчи») тарзида чоп қилдирган. Бизнингча, бу ҳам Мулло Мир Махдумнинг ўқувчи диққатини китобга қаратиш, тезроқ оммалаштириш учун ўйлаб топилган тадбири бўлса керак.

Нашрнинг умумий ҳажми 168 бетдан иборат бўлиб, ўртача настаълиқ хатида саводли кўчирилган. Саҳифаларга икки ва уч устундан матн жойлаштирилган. Айрим саҳифаларнинг ҳошиясида оддий китобхон тушуниши қийиндек туюлган сўз ва ибораларга изоҳлар берилган.

Айтиш мумкинки, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Мубаййин» асари аждодларимиз томонидан ислом динига оид билимларини кенгайтиришда бошқа уламоларнинг асарлари қаторида доимо қадрланган ва қайта-қайта мурожаат қилиб турилган. Шу билан бирга, келгусида ушбу қимматли обиданинг тошбосмаси ҳам унинг танқидий матнини яратишда илмий жамоатчиликнинг эътиборини тортиши шубҳасиз.

**Жалолиддин ЖЎРАЕВ,**
**Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи илмий ходими**

---

# ТИЛ ИЛМИНИНГ БИЛИМДОНИ

***Тилни миллатнинг руҳига ўхшатишади. Зеро, тил миллат билан тирик, унинг тараққиёти билан бирга ривож топади. Бирор-бир тилни ўрганиш орқали биз шу тилда сўзлашувчи халқ маданиятидан, миллий хусусиятларидан, тарихидан хабардор бўламиз. Негаки, ҳар қандай элатнинг маънавияти, дунёқараши унинг тилида тўла-тўкис акс этади. Шу маънода тилни миллат кўзгуси ҳам деб атайдилар. Ҳар қайси халқнинг зиёлилари беҳудага биринчи галда тилни асраш лозимлиги ҳақида бонг урмайдилар. Чунки миллатнинг борлиги ва бирлигининг бош белгиси тил биландир.***



Тил илмини ўрганишдек шарафли, аммо масъулиятли соҳани танлаган ёш олималардан бири филология фанлари доктори Дилоро Набиевадир. Ҳамкасблари орасида изланувчан тилшунос ва тиниб-тинчимас тадқиқотчи сифатида танилган Дилорода ёшлигиданоқ бу соҳага қизиқиш уйғотган киши отаси, таниқли тилшунос олим Абдуҳамид Нурмонов эди.

1995-1998-йилларда у Наманган Давлат университетининг тадқиқотчиси сифатида республикамизнинг таниқли тилшунос олимларидан таҳсил, йўл-йўриқлар олди. Кўп вақтини кутубхоналарда, илмий-назарий қўлланмалар, дарсликлардаги тилшуносликка оид тадқиқотларни ўрганишга бағишлади ва 1998 йили "Ўзбек тилида инвариант-вариант муносабати" мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилди. Ютуқларини янада мустаҳкамлашга аҳд қилган ёш олима шу мавзуни чуқурроқ ўрганиш мақсадида докторлик диссертацияси устида иш олиб борди. Игна билан қудуқ қазишдек машаққатли бўлган тил илми сир-асрорларини эгаллаш, бу соҳада янги сўқмоқлар очиш кишидан чинакам фидойилик ва тинимсиз меҳнатни талаб қилади. Кераклик китоблар ҳадеганда топилавермасди. Тиниб тинчимас Дилоро пойтахт кутубхоналари, ҳатто қардош республикаларнинг китоб захираларидан ҳам изланаётган мавзуси бўйича илмий маълумотлар йиғди.

Изланганга толе ёр, дейишади. 2007 йил Дилоро Набиева "Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши" мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилди. Ёш тадқиқотчи тилшунослик соҳасида ўзига хос мактаб яратишга эришган Абдуҳамид Нурмоновдек забардаст олимлар сулоласининг муносиб давомчиси эканини исботлади.

— Тилшуносликка қизиқиш ота-онамдан ўтган бўлса ажаб эмас, — дейди Дилоро Набиева. — Чунки уларнинг ҳар иккиси ҳам педагог. Отам — тилшунос олим. Онам ҳам кўп йиллар халқ таълими соҳасида меҳнат қилганлар. Мақтанаяпти деманг-у, кўча-кўйда юрганимда, дадам билан онамнинг собиқ ўқувчилари "Сиз Шарофат Раҳматовнанинг, Абдуҳамид Нурмоновнинг қизисиз-а?", дея сўраганларида, улар ҳақида илиқ фикрларни айтганларида беихтиёр ғурурланаман. Демак, ўқитувчилик касбини шарафлаган онам ва дадамнинг меҳнатлари зое кетмабди. Ҳозир биз ўқитаётган талабалар ҳам бир кун келиб қониқиш билан "Фалончи бизнинг устозимиз эди", деб эслашса, менимча, бу инсон учун чинакам бахт.

Дилоро Набиева университетда ёшларга билим бериш жараёнида уларнинг интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб етишишларига алоҳида эътибор беради. Ўқимишли, маънан юксак кадрларни тайёрлаш мамлакатнинг буюк келажаги пойдеворини яратиш билан боғлиқ энг долзарб вазифа эканлигини теран англайди. Зеро, она тили инсоннинг тафаккур оламига қўйган биринчи ва жиддий қадамидир. Шу боис, тил — тафаккур калити, дейишади. Ўз она тилини яхши билган, қадрлаган кадрлар доимо элим деб, юртим деб ёниб яшайдилар ва истиқлолимиз истиқболига муносиб ҳисса қўшадиган инсонлар бўлиб етишадилар. Иқтидорли олима Дилоро Набиеванинг эътиқоди ана шундай.

Бетакрор асарлари билан она тилимиз мавқеини юксакларга кўтарган буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий уни гавҳарга қиёслайди. Ҳақиқатдан ҳам, ўзбек тили дунёдаги энг чиройли тиллардан биридир. Ундаги ҳар бир сўз, ибора ўз тарихига эга. Тилимизни ўрганаётган хорижлик мутахассислар ўзбекча сўзларга сингдирилган маъноларнинг хилма-хиллигидан, такрорланмас оҳангидан ҳайратга тушишади. Ўзбек тилининг бу қадар жозибадорлигини унинг асрлар давомида шаклланиб, сайқал топгани билан изоҳлаш мумкин.

Тил ҳам давлат, жамият сингари йилдан йилга ривожланиб, ўзгариб боради. Айниқса, мамлакатлар ва халқлар орасидаги масофалар қисқариб, миллатлараро алоқалар кучайиб бораётган бугунги глобаллашув замонида тилимиздаги ўзгаришлар жараёни ҳам жадаллашаётир.

Мустақилликдан кейин давлатимиз рамзларидан бири ҳисобланган ўзбек тилига эътибор кучайди. Бугунга келиб тилшунос олимларимиз адабий тилимиз меъёрлари ва тарихини ўрганишда сезиларли ютуқларга эришдилар. Энг муҳими, ўзбек тилини илмий жиҳатдан теран ўрганиш жараёни изчил давом этмоқда.

**Салима МИРЗАЕВА,**
**филология фанлари доктори**
*Андижон*

---

# СЎЗ РУҲИЯТИ

## Шоир Матназар Абдулҳакимга

Муҳтарам Муҳаммад Назар(биласиз, исмингизни оғзаки шундай атайман), дуои саломдан сўнг муддаога ўтай. Мақсад Сизнинг яқинда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида эълон қилинган "Йироқларга етаклар мени бир сурон..." мақолангизни ўқиганимда пайдо бўлган баъзи фикр-мулоҳазаларимни, шу асно қутлуғ айёмингиз — олтмиш ёшингиз муносабати билан дил истакларимни аён этишдир.

Сиз мақолангизда Абдулла Ориповнинг "Сароб" шеърини шарҳлаш баҳонасида муҳим гапларни айтибсиз. Сўз бошидаёқ эътиборни ижод руҳиятига қаратганингиз айни муддао бўлган. Сиз буни ижод ғалаёни ҳам деб атайсиз. Тўғри-да, ички тўлқин — ғалаёнсиз чинакам асар ёзиб бўлмайди.

Атоқли шоиримиз Абдулла Орипов шеърининг ҳар мисрасида бу тўлқин кўзга ташланиб туради.

***Кўз олдимда киприкдайин***
***тизилар йиллар,***
***Ҳар бирига маржон бўлар***
***аччиқ унларим.***
***Хира туман орасида***
***чўғдай милтиллар,***
***Жайрон қувиб жайрон янглиғ***
***ўтган кунларим.***

Шу тўртликнинг ўзидаёқ (киприкдай тизилган йиллар, маржон бўлган унлар, хира туман ва унинг орасида жайрон қувиб жайрондай ўтган кунлар) бир тўлқин бошқа тўлқинни бошлаб келаверадики, у кўзни ва дилни яйратиши табиий.

"Сароб" ёзилган пайтда (1966 йил) Сўз руҳияти — ижод психологияси деган гап умуман истифодада йўқ эди. Унинг ўрнига совет воқелигини, совет кишисининг "шонли беш йилликлар" вазифаларини қандай қаҳрамонлик билан адо этаётганини шоирлар қандай мақтаганига эътибор қаратилар, шундан келиб чиқиб шеърга баҳо берилар эди.

Буюк бобокалонларимиз асар бошида аввал Яратганга, сўнг Муҳаммад алайҳиссаломга юзланиш баробарида Сўз ва унинг қувватига ҳам тан бериб, ўлмас мадҳиялар битганликлари бежиз эмас. Сўзнинг руҳий қуввати, унинг одам ва оламга таъсирини ўлчашга тарози йўқ. Сўз — фикрнинг рўёбга чиқиши муқаррарлигини файласуфлар аллақачонлар илмий асослаб-исботлаб берганлар. Халқда Сўзни ўйлаб сўйла, фаришталар омин деб юборишади, каби ҳикмат ҳам бор-ку, ахир.

Энди, бошимиздан тазъйиқлар ариганидан сўнг илоҳият, руҳият ҳақида гапира бошладик. Мухтасар қилиб айтганда, газетадаги чиқишингиз борасидаги фикрим шу. Тасанно!

Энди асосий гапга кўчай.

Узоқ йиллар ёнма-ён яшаган бўлсакда, бугунга келиб олтмишга кириб қолганингизга аввалинда ишонқирамадим, сўнг таржимаи ҳолингизга кўз ташлаб, ёш оқсоқоллар сафига кираётганингизга тан бермасликнинг иложи қолмади. Хўш, нега ишонмадим? Шунинг учунки(дард бироз турткилаб ўтган эса-да), ўктамсиз. Сизни ўктам қилиб турган нарса, менингча, ўз Сўзингиз Руҳининг китобхонларга таъсири ва руҳияти ёлқинланган кишилар, хусусан, ёшлар энергетикасининг ўзингизга қайтиб бориши ҳамда унинг ЯШАРТИРУВЧАНЛИК ҚУВВАТИдир.

Сўзингиз қуввати ҳақида мен узоқ гапиришим, бунга етарлича мисоллар ҳам келтиришм мумкин. Лекин телеграф (факс) йўлида Сизга жўнатаётганим икки оғиз гап тарзи бунга имкон бермайди. Ўрни келганида, иншооллоҳ, ҳаммаси айтилгай!

Ҳозир эса, қисқача бундай дейин: мен Сизнинг қиёфангизда, аввало, шоирни — Сўзида шифобахш олов ҳовури ва гул иси қоришиб кетган ижодкорни кўраман. Ўзининг яхши дардларини одамларга юқтириб юрадиган воизни кўраман. Сўз руҳиятини одамлар руҳиятига чатгувчи руҳшуносни кўраман.

Кейин. Сиз деганимда кўз ўнгимда буюк аждодларимизнинг бошқа тиллардаги асарларини тинимсиз ўгириб, халқимизга етказиб бераётган фидокор гавдаланади. Таржимонлик меҳнати — ёзувчилик меҳнатидан кам эмас. Бундай оғир ишни чидаганга чиқазган.

Сўнг. Олимлигингизни ўйлайман. Теран илмий таҳлил ва хулосаларингизга тан берганимни яширмайман. Хоразм Маъмун академиясида қилаётган ишларингиз таҳсинга лойиқ.

Охиргиси. (Балким, буни олдинроққа қўйиш керакдир.) Яхши шоир бўлиш билан яхши одам бўлиш хислати ҳамиша ҳам бирга юравермайди. Иккаласи бир сиймода жам бўлиши эса Худонинг берганидир. Мен Сизда иккаласини бир кўраман.

Газетада эълон қилинган мақолангиз туртки бўлиб кўнглимга келган гаплар ҳозирча шулар. Умрингиз ва ижодингизга ҳамишалик файзу барака тилайман.

**Эркин САМАНДАР**

# ИЗЛАНИШ ПАЛЛАСИ

Бошланиши биринчи бетда.

Фикримизнинг далили сифатида яна бир шоу-бизнесга мосланган "Севгинатор" филмини келтирмоқчимиз. Саргузашт комедия жанрига хос «Севгинатор» драматургик қурилиши, сюжетлар композицияси ва характерлар ранг-баранглиги билан анчайин пишиқ сценарий асосида суратга олинган. Ўткир, кулгили сюжетлар занжирига ижтимоий муаммоларни сингдириб юборган сценарийнавис Шоира Ғиёсованинг фавқулодда тасаввуридан пайдо бўлган Севгинатор қизнинг саргузаштларини кўриб, бу темир қиз ҳаётда ҳам бўлганида беҳисоб ижтимоий муаммоларнинг ечими топилган бўлармиди, деб хаёл қилдик. Ўқитувчиларга беҳурмат бўладиган, фанларни ўзлаштирмайдиган, аниқроғи, истамайдиган, синовлар чоғида эса "конверт" одамлар орқали муаммосини бир зумда ҳал қилиб оладиган талабалар ҳаётда учраб туради. Севгинатор уларга қарши жангга киришса-ю, олий ўқув юрти ва бошқа муассасалардаги қонунбузарликларга зудлик билан чек қўйса... қанийди...

Анъанавий ва техноген санъатлар синтезида вужудга келган бу филм монтаж техникаси, актёрлик маҳорати (актёр Улуғбек Қодиров ижроси бундан мустасно) ва операторлик санъати жиҳатидан ўзбек киносида ҳам фантастик жанрнинг истиқболлари хусусида фикр юритишга ундайди. Ҳар ҳолда режиссёр Абдувоҳид Ғаниев, оператор Азиз Орзиқуловларнинг ижодий ҳамкорлиги натижасида қўйилган илк қадам изсиз кетмас, деган фикрдамиз.

"Забаржад" филмида ўттиздан ошиб оила қурмаган, аммо севган ва севилган аёлнинг руҳий кечинмалари ҳикоя қилинади. Кадрлар занжири ортидан Забаржаднинг ижтимоий фаолиятини кузатарканмиз, унинг қатъиятли ёш олима, онасига итоаткор қиз, ногирон укасига меҳрибон опа, қўшниларига олижаноб аёл, севгани қаршисида ҳақиқий ёр сифатида кўринган характерининг турли қирраларини босқичма-босқич кашф этиб борамиз. Шу билан бирга зоҳирида гўзаллик, жўшқин ва қувноқ табиат акс этган қизнинг ботинида чуқур андуҳ яширинганини ҳам сезамиз. Режиссёр ва сценарийнавис қимматбаҳо мовий тошнинг номи билан қаҳрамонга муносабатларини билдирган бўлсалар-да, финалда Забаржаднинг ҳаёт тарзини тушуниш, унга хайриҳоҳ бўлиш ёки бўлмаслик томошабин ихтиёрида қолади.

"Забаржад" филмини янги фалсафий фикрларга чорловчи ихчам ҳикояга менгзагимиз келади. Бунга сабаб сценарий муаллифи ёзувчи Эркин Аъзам эканиданми ёхуд режиссёр Баҳодир Одилов лирик драманинг жанр софлигини сақлай олганиданми, билмадик. Лекин филмда образ ва киносюжет яхлитлигига салбий таъсир этаётган айрим кадрлар учрайди. Масалан, чуқур қайғу ва изтироб ичида қолган қизнинг ёлғизлик ва ҳижрон азобини режиссёр ёмғир билан ифодалайди. Ёки икки севишган қалбнинг бир-бири учун яратилганлиги тарвузнинг иккига ажралган палласига қиёсланади. Аслида киносюжетнинг мукаммаллиги ва образнинг тўлақонли бўлишида янгича тасвирий ифода воситаларини топиш, сўз ва эҳтироснинг кинематографик муқобилидан ўринли фойдаланиш муҳимлиги режиссёр Б.Одилов учун янгилик эмас.

Режиссёр Ҳ.Ҳасановнинг "Чавандоз" филмида ҳаёт худди кўпкари мисол: оласан, олдирасан, ютасан, ютқизасан, аммо мақсадга интилишдан чарчамасанг, эътиқодда собит бўлсанг, маррага албатта ҳалол етасан, деган фалсафа ётади. Филм икки тенгдошнинг бир мақсад учун икки йўлдан бориши асо-



сида ривожланиб бораркан, муҳаббат ва нафрат, меҳр ва қаҳр, адоват ва мурувват бир-бирига тўқнаш келганда эҳтиросни жиловлай олиш, жаҳлга эрк бермаслик, қизиган қонни босишга ҳаракат қилиш каби айнан ўзбек характерига хос жиҳатлар миллий кинематографик сюжет йўли ва тасвирий ифода воситалари билан акс этганидан завқланасиз. Адоват туфайли севимли отидан айрилган, аммо бутун қаҳр-ғазабини ичига ютиб, Бешимдан ўч олмаган, аксинча уни кечириб юборган Тошмуроднинг ҳолатини кўриб Лермонтовнинг «Замонамиз қаҳрамони" қиссаси ёдга тушади. Қоракўз номли от учун синглиси Бэлани ўғирлаб, Печоринга топширган Азамат ва Бэлага пичоқ уриб ўч олган от эгаси Казбичнинг фақат черкесча характерида миллий хусусиятлар қанчалик чуқур ифодаланган бўлса, умрини кўпкарисиз тасаввур эта олмайдиган, ютган, ютқизмаган Тошмурод ва Бешим чавандозларнинг характеридаги миллийлик сценарий муаллифи Ғафур Шермуҳаммад ва режиссёр Ҳамидулла Ҳасановлар томонидан шунчалик ҳаққоний ёритилган. Филмда драматургик юкка эга бўлмаган ортиқча лавҳалардан ташқари маълум образларга етарли имконият берилмаган ҳоллар ҳам учрайди. Лекин биз Марказий Осиё халқларига, хусусан, ўзбекларга хос бўлган кўпкарининг машаққати ва завқини ҳам «Чавандоз" филми туфайли ҳис эта олдик.

Интеллектуал кинога хос фикр ва тасаввурни экранлаштириш хусусияти ай-нан "Мурувват"да намоён. Филмда ёш, ногирон, аммо интеллектуал салоҳияти юқори бўлган қизнинг роман ёзишга бўлган иштиёқи натижасида хаёлидаги тўқима сюжет ва образларнинг экранда ўз ифодасини топиб боришини кўрамиз. Ақлда пишиб етилаётган фикрнинг тасвирини гоҳ фавқулодда саргузаштлар, гоҳ лирик кечинмалар, турли образлар талқинида кузатар эканмиз, хотимага етиб келганимизда, аравачасини ғилдиратиб юриб ўз-ўзи билан гаплашаётган, баъзида ҳамширага тасаввуридаги воқеаларни айтиб бераётган, мурувватли қалби ва орзу-умидларининг инъикосини беҳисоб қоғозлар тахламида ифодалаб борган ногирон қизнинг қалб туғёнларини тушунгандек бўламиз. Режиссёр ҳамда сценарийнавис Бақо ва Улуғбек Содиқовларнинг "Мурувват" филмида ҳаётий муаммолар ўзига хос мураккаб, аммо завқли интеллектуал драматургия орқали ёритилган ва бу самарали якун топган.

Актёр иқтидорли бўлгани билан ролини кўпинча йиллар давомида кутиб яшайди. "Ўтов"даги Убайдуллоҳ образи Нозим Тўлахўжаев эҳтирос ва ақл уйғунлигини ўзида мужассам этган серқирра ижодкор эканлигини яна бир бор исбот этди. Убайдуллоҳнинг характерини ўткир нигоҳлар, эҳтиросли жумлалар, баъзида худбинликнинг акси зоҳир истеҳзоли қаҳ-қаҳа билан ифодалаган Нозим Тўлахўжаев бу ролда маҳобатли ва фожеий қиёфада намоён бўлади. Унинг шиддатли қадами, гулдурос овози, ҳайратомуз дунёқараши тубида фарзандига меҳри уфуриб туради. Томошабин меҳрибон отанинг ҳолатини тушунади, шаҳодатномани оловга отиб, қаҳ-қаҳ уриб кулган ота кулгисининг замирида қўрқув, яқинлашиб келаётган йўқотишнинг яширинганини ҳис этади.

Боир Холмирзаев ва Тоҳир Саидовлар актёрлик иқтидори жиҳатидан бир-бирига мос рақобатдош эканликлари "Чавандоз" филмида яққол намоён бўлган. Оғир табиатли, мулоҳазакор, ҳассос қалб эгаси Тошмурод полвонга жиззаки, эҳтиросга берилувчан, тўпори Бешим полвон характери қарши қўйилар экан, актёрлар Боир Холмирзаев ва Тоҳир Саидовлар ижросида табиийлик устун туради. Кўпинча театр актёрлари кинода ўйнаганларида саҳнага хос баландпарвозлик, турғунлик кинокамера қаршисида ҳам сезилиб қолади. Аммо чавандоз қаҳрамонлар ижросида табиийлик устунлик қилади.

Истеъдодли бўлишига қарамай, кинематографияда ўзининг ролини кутаётган актрисаларимиздан Илмира Раҳимжоновани Забаржад образида кўриб, ҳақиқий дебют деб ҳисоблагимиз келди. Ҳақиқатан, И.Раҳимжонова бу филмда шу қадар табиий, гўзал ва самимийки, худди ўзини ижро этгандек тасаввур уйғонади. Қалбида залворли ҳис-туйғулар кураши кетаётган аёлнинг чеҳрасида табассум, қувноқ кайфият барқ уриб туради. Овозида хушчақчақлик, аммо жарангдор кулгиларига дарз етказиб турувчи ғамгин оҳангларни томошабин эшитади, аниқроғи, актриса буни маҳорат билан етказа билади. Забаржад образи Илмира Раҳимжонова талқинида эркин парвозларни истаб яшаётган, одамларга бахт улашаётган кабутар мисол хотирамизга муҳрланади.

Ўтган йили яратилган филмларнинг ютуқ ва камчиликлари хусусида батафсил тўхталишнинг иложи йўқ, албатта. Эҳтимол, ҳали улар ҳақида фикрлар билдирилар, биз эса бир неча филмларнинг ютуғи ҳақида сўзлар эканмиз, бунинг ортида ижодий гуруҳларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги турганини қайд этмай бўлмайди. Бугунги кунда бақувват ижодкорларга эга бўлган, кино майдонига эса кучли ёшлар кириб келаётган ўзбек киносининг келгуси довонлари янада машаққатли, аммо завқли бўлишига шубҳа йўқ.

**Шоҳида ЭШОНБОБОЕВА**

# АДЕЛИНАНИНГ ОРЗУЛАРИ

Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси Аделина Фатхутдинова ҳозир консерватория магистратурасида таҳсил олмоқда. Унга устозлари — доцент Мунира Аминова орган чолғусидан, профессор Ф.Янов-Яновский эса композиция санъатидан сабоқ беришмоқда.

— Аделина республика талаба композиторлари танловида ва Россияда бўлиб ўтган Эдисон Денисов хотирасига бағишланган халқаро мусиқий танловларда фахрий ёрлиқ ва дипломларни қўлга киритди. Унинг иқтидори, изланувчанлиги кўп ёшларга ибрат бўлишга арзийди, — дейди устози М.Аминова. — У кунт билан ишлайди. Профессионал ижодкор бўлишга собитлик билан интилади. Самимийлиги, соддалиги, мусиқага меҳри, бағрикенглиги мени жуда қувонтиради.



Ёш композитор ижодий услубида кўпроқ авангардизм кўзга ташланади. Асарларида инсоннинг ички кечинмалари, ҳиссиётлари авангардизмга асосланган мусиқий тилда баён этилади. Айниқса, "Трио квартет", "Зулмат призмаси", "Қоронғу тун ваҳимаси", Эдгор По шеърларига "Ўликлар руҳи" романслар туркуми ва фортепиано учун ёзган пиесаларида чуқур ҳиссий кечинмалар ёрқин намоён бўлади.

Аделина яқинда консерваториянинг орган залида ўзининг концертини мухлисларга ҳавола этди. А.Фатхутдинованинг ўзи органда И.С.Бах, Л.Бёлманн, Н.Брунс асарларини маҳорат билан чалди. Концерт дастурида янграган ижодкорнинг янги асарлари томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Концертдан сўнг ёш композитордан ижоди ва орзулари ҳақида сўрадик.

— Бугун мухлислар олқишига сазовор бўлганимдан хурсандман. Аммо ҳали кўп ишлашим, изланишим зарур. Аввало мусиқада ҳаёт рангларини кўрсата олишим керак.

Орзуим профессионал композитор сифатида жаҳон саҳналарида концертлар қўйиш. Ижодий фаоллик билан ватанимга хизмат қилиш. Ҳозирги асосий ишим Германиянинг Магдебург шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро органчилар кўрик-танловида қатнашишга тараддуддир.

Аделина нуфузли танловларда юртимиз шарафини ҳимоя қила олишига ишонамиз.

**Насиба МАШАРИПОВА,**
**консерватория талабаси**

# БОЛАЛАР КУЙЛАСА — ОЛАМ МУНАВВАР

***Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бастакорлар уюшмаси ва Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамкорлигида болалар мусиқа фестивали бўлиб ўтди.***

Мусиқий педагогика кафедраси профессори Рауф Қодиров бадиий раҳбарлигида ўтган фестивалда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси Ёшлар ижодиёт маркази, Успенский ва Глиэр номидаги лицейларнинг ўқувчилари, консерватория мусиқий педагогика кафедраси талабалар хори иштирок этди. Мусиқа оқшомида Бастакорлар уюшмаси раиси Р.Абдуллаев, консерватория ректори Д.Муродова, композиторлар Ҳ.Раҳимов, М.Бафоев, А.Мансуров, Ф.Алимов, Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов қатнашдилар. Ўзбекистон халқ артисти Шермат Ёрматов фестивални очиб, жумладан, шундай деди: "Юртбошимизнинг "Болалар мусиқа мактабларини қайта ташкил этиш тўғрисида"ги қарори бежиз эмас. Чунки санъатимизнинг, мусиқамизнинг келажаги ва давомчилари мана шу кичкинтойлардир. Бугун жаҳоннинг профессионал мусиқа саҳналарида 4-5 яшар ўзбек болалари ўз истеъдоди билан бутун дунёни лол қолдираётгани барчамизни мамнун этади".

Фестивал Ёшлар ижодиёти марказининг "Ўзбекистон оҳанглари" доирачи болалар ансамбли ижроси билан бошланди. Сўнгра В.А.Успенский номидаги лицейнинг "Фантазия" скрипкачилар гуруҳи саҳнага чиқди. Шу лицейнинг 6-синф ўқувчилари Фотима Ахматова Ф.Шопен "Баллада"сини, Нилуфар Муҳитдинова Шаминанд — Ф.Крейслернинг "Испанча серенада"сини ижро этиб, барчани ҳайратга солдилар. Мисрда ўтган фестивал ғолиблари А.Қозоқбоева ва А.Низомовалар "Ёр-ёр" қўшиғини, Дилшод Каттабеков "Хоҳ инон, хоҳ инонма" ашуласини 6 ёшли Лея Булгакова "Оранжевая песенка" қўшиғини Глиэр номидаги лицей ўқувчиларидан Обид Зиёвуддинов найда "Ёввойи ушшоқ"ни, З.Худойназаров ва Х.Раҳмонқулова "Қаро зулфинг" ашуласини маҳорат билан ижро этдилар.

"Булбулча" болалар ашула ва рақс ансамблининг чиқиши фестивалга ўзгача кайфият бағишлади. "Эй, санам" (дирижёр Ирода Ғаниева, яккахон И.Матёқубов), "Қиш" (дирижёр Наргиза Зиёвутдинова), "Билани" (дирижёр Сабина Жаппарова), "Болалар Тошкент ҳақида куйлайдилар" (дирижёр Софья Климчёва) каби қўшиқларни ижро этган консерваториянинг бакалавр босқичини тугатаётган талабалар фестивал шаклида тайёрланган дастурни намойиш этиб, давлат аттестациясидан ўтдилар.

# ЁШ РЕЖИССЁРЛАР ПАРВОЗИ

***Ўзбек Миллий академик драма театрида халқаро театр куни ўз ишини бошлаган режиссёрларнинг "Дебют — 2008" иккинчи республика кўрик-фестивали якунланди. Пойтахт томошабинлари, театр санъати мутахассислари бир неча кун давомида республикамиз театрларида фаолият олиб бораётган ёш режиссёрларнинг изланишларини кузатишга муваффақ бўлдилар.***

*Фестивал давомида Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар театрларида ёш режиссёрлар турли жанрларда яратган 12 спектакл кўрсатилди. "Ўзбектеатр" бирлашмаси уюштирган мазкур анжуман яна бир бор ўзбек театр санъати йилдан йилга ривожланиб, жаҳон театр санъатида ўрнини топиб бораётганини намойиш этди. Қувонарлиси шундаки, турли ижодий услубларда изланиш олиб борган ёш ижодкорлар ўзбек миллий режиссура мактаби нуфузини кўтаришга, ўзларининг ўткир сўзларини айтишга, кенг дунёқарашларини намоён этишга астойдил интилаётганлари кўзга ташланди.*



*Фестивал ҳайъати аъзолари — санъатшунослик фанлари доктори, профессор Муҳсин Қодиров, санъатшунослик фанлари доктори Муҳаббат Тўлахўжаева, Ўзбекистон халқ артисти Нажимитдин Ансатбоев, театршунос олима Муқаддас Аҳмаджонова ва бошқа мутахассислар спектаклардан сўнг бўлиб ўтган ижодий муҳокамаларда ҳар бир режиссёрнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида гапириб, тегишли маслаҳатлар бердилар. Фестивал ёпилишида таниқли кинорежиссёр, Ўзбекистон халқ артисти Шуҳрат Аббосов ёш режиссёрларга илҳом ҳеч қачон тарк этмаслиги, изланишдан чарчамасликларини тилади.*

*Анжуманни олиб борган "Ўзбектеатр" бирлашмаси бош директори Омонулла Ризаев келгусида режиссёрлар фаолияти янада мукаммаллашишига, ёшлар янги ва пухта саҳна асарлари билан театр санъати равнақи йўлида кучғайратларини аямасликларига ишонч билдирди.*

*Ҳайъат аъзолари қарорига асосан қуйидаги ёш режиссёрлар диплом ва махсус мукофотлар билан тақдирландилар:*

1. **Актам БОЙТЎРАЕВ.** ***"Долзарб мавзудаги миллий драматургиянинг энг яхши режиссёрлик талқини учун".*** Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилояти мусиқали драма театрида саҳналаштирилган "Иккинчи тумор" спектакли.
2. **Ҳабибулла ҚОБИЛОВ.** ***"Долзарб мавзунинг замонавий талқини учун".*** Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусиқали драма театрида саҳналаштирилган "Тўда" спектакли.
3. **Шуҳрат НУРАЛИЕВ.** ***"Пантомима санъатини тиклашдаги ижодий ташаббуси учун".*** Ўзбек Миллий академик драма театрида саҳналаштирилган "Тақдир" спектакли.
4. **Қутлимурод ЁҚУБОВ.** ***"Актёрлар билан ишлашдаги ютуқлари учун".*** Ўзбекистон давлат Санъат институтида саҳналаштирилган "Дарс" спектакли.
5. **Раҳматилла ТЎХТАБОЕВ.** ***"Актёрлар билан ишлашдаги ютуқлари учун".*** Фарғона вилоят мусиқали драма театрида саҳналаштирилган "Мизантроп ёхуд одамови" спектакли.
6. **Жавлон ЖЎРАЕВ.** ***"Сатирик комедия жанридаги изланиши учун".*** Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма театрида саҳналаштирилган "Ёлғонлар чув тушган кун" спектакли.
7. **Ева БЛИНОВА.** ***"Рус мумтоз адабиётининг янги, оригинал саҳнавий талқини учун".*** Республика ёш томошабинлар театрида саҳналаштирилган "Тазарру" спектакли.
8. **Мансур ХОЛИҚОВ.** ***"Хорижий мумтоз драматургияни ўзлаштиришдаги изланиши учун".*** Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқали драма театрида саҳналаштирилган "Қайрағоч соясидаги эҳтирос" спектакли.
9. **Фарҳод ЖУМАЕВ.** ***"Шарқ драматургиясини ўзлаштиришдаги изланиши учун".*** Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилояти мусиқали драма театрида саҳналаштирилган "Кўргилик" спектакли.
10. **Сағимбой АЙИМБЕТОВ.** ***"Режиссёрнинг ёш драматург билан ишлашдаги самарали изланиши учун".*** Сапар Хўжаниёзов номидаги Қорақалпоғистон ёш томошабинлар театрида саҳналаштирилган "Паризоднинг ташвиши" спектакли.
11. **Ҳотам ОХУНОВ.** ***"Замонавий хорижий драматургияни ўзлаштиришдаги изланиши учун".*** Ўзбек Миллий академик театрида саҳналаштирилган "Катта ютуқ" спектакли.
12. **Ҳамза ХОНОВ.** ***"Ёш актёрнинг режиссура санъатига интилиши учун".*** Ҳамза номидаги Қўқон шаҳар мусиқали драма театрида саҳналаштирилган "Насрин" спектакли.



***Ҳужжатли кино давр солномасидир. Бундай филмлар қайси мавзуда яратилмасин, тарих ва бугунги кун ҳақида келажак авлодларга ёдгорлик сифатида хизмат қилади. Зеро, ҳар бир ҳужжатли, илмий-оммабоп асардан ўша давр муҳити, одамлари, уларнинг турмуш-тарзи, тараққиёт даражаси, қўйингки, бутун ижтимоий-иқтисодий, сиёсий аҳволи ҳақида маълумот олиш мумкин.***



Ўзбекистон ҳужжатли ва илмий-оммабоп филмлар студиясида ўтган йили турли мавзуда 60 га яқин филм ишланди. Албатта, ҳар бир картинанинг ўзига яраша салмоғи, ютуқ ва камчиликлари бор. Уларнинг ҳар бири, шубҳасиз, алоҳида таҳлил ва талқинга лойиқ. Лекин мустақиллик йилларида юртимизда қўлга киритилган улкан муваффақиятлар ҳақидаги бир туркумга бирлашган бешта филмни алоҳида таъкидлаш лозим. Айниқса, ёшлар учун бу филмларнинг аҳамияти беқиёс. Шунингдек, "Давр солномаси" туркумидан учта картина ҳам эътиборга лойиқ.

# ҲУЖЖАТЛИ КИНО — ДАВР КЎЗГУСИ

Яратилаётган филмларнинг мавзу доираси илгаригига қараганда анча кенгайган. Хусусан, филм-портрет жанрида бу ҳолат яққол кўзга ташланади. Умуман олганда, студияда яратилаётган ленталарнинг асосий қисмида давр нафаси уфуриб турибди. Албатта, барча картиналар бирдек мукаммал яратилган, деб бўлмайди. Баъзи асарларда ўхшашлик, қолипга тушиб қолиш кўзга ташланса, баъзиларида қаҳрамонлар характери тўлиқ очилмаган, бир қатор картиналарда матннинг ҳаддан зиёд кўплиги томошабинга халақит беради, образ моҳиятини очишга хизмат қилмайдиган кадрлар ҳам учрайди. Ҳар бир ҳужжатли асар бизнинг маданий меросимиз экан, уни томошабинга етказиш йўлларини топишимиз зарур.

Ўзбекистон ҳужжатли ва илмий-оммабоп филмлар студиясида жамоанинг ўтган йилги ижод маҳсуллари муҳокамасида маъруза қилган санъатшунослик фанлари номзоди Сабоҳат Ҳайтматова ушбу масалаларга атрофлича тўхталди. Муҳокамада таниқли санъатшунослар Ҳ.Акбаров, М.Мирзамуҳамедова ижодкор Ж.Исҳоқов, студия директори Ш.Муродова ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбирни "Ўзбеккино" миллий агентлиги бош директори ўринбосари Ж.Қосимов олиб борди.

**Наргиза ҲАМИДОВА**

# САНЪАТИМИЗ ҒУНЧАЛАРИ

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг 15 йиллиги муносабати ёш мусиқачиларнинг "Санъат ғунчалари" республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Ўзбекистон давлат консерваториясида мазкур танлов ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Бу йилги кўрик-танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри мусиқа мактабларидан етмишдан зиёд болалар қатнашдилар.

Ҳайъат хулосасига кўра, Скрипка чолғуси бўйича энг ёш гуруҳдан Лола Мейлиева (Успенский номидаги лицей) 1-ўринни, Суҳроб Жўраев (Қашқадарё) 2-ўринни эгалладилар.

Катталар гуруҳида Жаҳонгир Қосимов (Бухоро) Гран-прига, Искандар Бозоров (Тошкент) 1-ўринга, Шаҳбоз Ҳожиев (Андижон) 2-ўринга сазовор бўлдилар.

Виолончел бўйича кичик гуруҳдан 1-ўрин Мария Камининага, 2-ўрин Эркин Хушвақтовга (Успенский номидаги лицей), катта гуруҳдан 1-ўрин Ж.Саидкаримовга (Успенский лицейи), 2-ўрин Гавҳар Удаевага (Глиэр лицейи) берилди.

Фортепиано бўйича кичик гуруҳдан 1-ўринга Санжар Турсунов, 2-ўринга Александр Свиридов (Наманган), катта гуруҳдан 1-ўринга Ирода Абдулина, 2-ўринга Санобар Абдуғаффорова (Глиэр лицейи) лойиқ топилдилар. Ҳар икки гуруҳ бўйича Артур Азнауров ва Елена Кан Гран-прини қўлга киритдилар.

Қўллари пианинога зўрға етаётган кичкинагина Мунаввар Абдуллаева "Энг ёш иштирокчи" мукофотига сазовор бўлди. Тадбир якунида сўзга чиққан Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев шундай деди: "Бизнинг зиммамиздаги асосий вазифа мана шундай иқтидор эгаларини тарбиялашдир. Чунки юртимизнинг, санъатимизнинг келажаги шулар қўлида. Бизни шу нарса ниҳоятда фахрлантирадики, болаларимиз дунёнинг энг профессионал саҳналаридан аллақачон ўз ўрнини топишган".

**Насиба МАШАРИПОВА**

# ЎҚУВЧИЛАР УЧУН КОНЦЕРТ

Юртимизда фаолият олиб бораётган турли бадиий жамоалар орасида ягона ҳисобланган Т.Жалилов номидаги Ўзбекистон давлат халқ чолғулари оркестрининг ижодий фаолияти алоҳида диққатга сазовор. Бу академик жамоа ёш авлодни ҳар томонлама етук, Ватанимизга, миллий ва маънавий қадриятларимизга ҳамда мусиқа санъатига муҳаббат руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшмоқда. Ўз касбининг усталари, моҳир ва иқтидорли созандалардан ташкил топган мазкур оркестр Тошкент шаҳри ўрта мактаблари, мусиқа мактаблари ва Тошкент Ислом университети қошидаги ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари учун "*Маънавият чашмалари*" рукни остида турли мавзуларда суҳбатли концертлар ўтказиб туради. Суҳбатли концертлар дастуридан ўзбек халқ куй-қўшиқлари ҳамда чет эл халқларининг мусиқий асарлари ўрин олган.

Яқинда Ўзбекистон давлат консерваторияси катта залида Тошкент Ислом университети қошидаги ихтисослаштирилган республика мактаби ўқувчилари учун ўтказилган навбатдаги суҳбатли концерт "*Мусиқа ва ҳаракат*" деб номланди. Концертни оркестрнинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри, Ўзбекистон халқ артисти Форуқ Содиқов олиб борди.

Дастурни томоша қилиш жараёнида ҳар қандай мусиқий асарда ҳам ҳаракат борлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдувоҳид Муборақов дирижёрлик қилган бу концертда М.Тожиевнинг "*Тантана*", А.Хачатуряннинг "*Лезгинка*" (яккахон созанда Р.Тўхтамишев), Муқимий ғазали билан ўзбек халқ қўшиғи "*Фарғоначаи шаҳноз*" (яккахон Маданият институти талабаси М.Холова), Динику қайта ишлаган молдаван халқ куйи "Тўрғай" (яккахон А.Юсупов), А.Исмоилов Алишер Навоий сўзига басталаган "*Оҳ ким ишқ*" қўшиғи (якканавоз маданият институти талабаси М.Жабборова) ва бошқа асарлар ўқитувчилар ҳамда ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

Қўшиқ ва куй инсон дилига тез етиб бориб, кўнгилга ором бағишлайдиган табиатнинг ажойиб неъматидир. Бундай суҳбатли концертларга шаҳримиздаги барча мусиқа ва умумий таълим муассасалари ўқувчиларини ҳам жалб қилиш фақат фойда беради, деб ўйлаймиз.

**Убайдулла АБДУЛЛАЕВ,**
**Тошкент Ислом университети қошидаги мактаб ўқитувчиси**

